O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PAL. TASI
INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 29-may • Shanba • 63 (31.183) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2010/2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб этиладиган юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда таркибий қайта қуриш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларини янада унификация қилиш ва олий маълумотли кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар иштирокида, олий ўқув муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришнинг ишлаб чиқилган принципларини ҳисобга олган ҳолда, талаб қилинаётган ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни иқтисодиётнинг тармоқлари ҳамда соҳаларидаги реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 2010/2011 ўқув йили учун:

бакалаврларни 56 607 нафар, шу жумладан давлат грантлари бўйича — 19 755 ва тўлов-контракт асосида — 36 852 нафар миқдорида, уларни олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

магистрларни 5 856 нафар, шу жумладан давлат грантлари бўйича — 1 561 ва тўлов-контракт асосида — 4 295 нафар миқдорида, уларни олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

бакалаврларни Тошкент кимётехнология институти (Қўнғирот бўлими)нинг махсус сиртқи бўлимига давлат грантлари бўйича — 65 киши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимига — 50 киши, шу жумладан давлат грантлари бўйича — 15 кишини қабул қилиш квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилардан 2010/2011 ўқув йилига умумий қабул квотаси доирасида 11 300 киши миқдорида бакалаврларни қабул қилиш белгиланган, бу эса умумий қабул квотасининг 20 фоизини ташкил қилади.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2010/2011 ўқув йилида Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университетининг янги бинолари комплексида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квоталари автомобиль инжиниринги, машинасозлик технологияси, саноат ҳамда фуқаролик қурилиши инжиниринги каби ва бошқа истиқболли йўналишлар бўйича 200 киши миқдорида белгиланган.

3. 2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда мазкур қарор билан тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратураси қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бошқа вазирликлар ва идоралар қабулга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил қилиш ҳамда ҳарбий хизматдан бўшатилишида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган муддатли ҳарбий хизматчилар учун белгиланган квоталарга риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакалавриат ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010/2011 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага қабул қилишнинг тасдиқланган квоталарига мувофиқ вужудга келаётган талабалар контингентини ҳисобга олган ҳолда, бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб, бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш таклифларини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда эгаллаб турган лавозимдаги таълим даражаси ва йўналишга нисбатан малака талаблари кўрсатилган ҳолда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касби Классификаторини 2010 йилнинг 1 августигача ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг олий таълимнинг зарур профили ҳамда даражасидаги мутахассислар билан таъминланганлигини, шунингдек, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар ва магистрларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжни ҳисобга олиш статистикасини такомиллаштириш бўйича таклифларни уч ой муддатда 2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 май

«УНИВЕРСИАДА — 2010» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввалам бор, сиз азизларни гўзал ва бетакрор Андижон заминида бошланаётган «Универсиада — 2010» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақлзаковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади.

Биз ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадни амалга оширишда аввало жисмоний баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чуқур эгаллаган, иродаси бақувват, маънавий етук авлодни ҳал қилувчи куч сифатида кўрамиз.

Ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга кўтарилиши, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз, режаларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунда самарали натижаларни бера бошлаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Мамлакатимизда барпо этилаётган, ўғил-қизларимиз учун бағрини очаётган минг-минглаб замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу, ҳақиқатдан ҳам, тарихий ишларимизнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Айниқса, инсоний камолотнинг энг муҳим шарти бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, спорт орқали ёш авлод қалбида ирода, мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, ҳаётимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан ишларимиз ҳақида, ўйлайманки, бугун ортиқча гапиришга зарурат йўқ.

Биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан кейинги йилларда қарийб 160 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 130 та болалар спорти объекти бунёд этилгани ва жиҳозлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, ,миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун .хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир.

Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафақат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўзининг биринчи умидбахш ютуқларини айнан Универсиада мусобақаларида қўлга киритган 40 нафардан зиёд спортчи ёшларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё беллашувларида, кўплаб нуфузли халқаро турнирларда юксак шоҳсупаларга кўтарилгани ҳам шундан далолат беради.

Универсиада ҳаракатининг ана шундай эзгу анъаналарини бошлаб берган Аббос Атоев, Абдулла Тангриев, Рустам Саидов, Ришод Собиров, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиқов каби истеъдодли спортчиларимиз бугунги кунда Ўзбекистон шуҳратини бутун дунёга тараннум этиб келаётгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз азиз фарзандларимизнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, биз — отаоналар, устоз-мураббийлар сизларнинг тимсолингизда вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган, ўз олдига юксак мақсадлар қўйиб янги дунёқараш, янги тафаккур билан ҳаётга кириб келаётган, биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган навқирон авлодни кўрамиз ва бундан барчамизнинг юрагимиз қувонч ва ғурурга тўлади.

Универсиада мусобақаларининг навбатдаги беллашувлари айнан Баркамол авлод йилида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга эканини, у ҳар бир иштирокчидан катта маҳорат ва масъулият талаб қилишини тушуниш, англаш қийин эмас.

Бугун ана шундай кўтаринки руҳ, баланд кайфият билан белни қаттиқ боғлаб майдонга чиқаётган экансиз, ҳеч қачон унутмангки, сизларнинг ортингизда барчамиз учун ягона ва муқаддас Ватанимиз, ҳар бирингизга ғалаба ёр бўлишини тилаб турган бағрикенг ва фидойи халқимиз бор.

Токи қалбингиз, юрагингизда шундай ишонч, шундай эзгу туйғу жўш урар экан, аминманки, сизлар ҳар қандай юксак маррани забт этишда бўш келмайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу Универсиада ўйинларини юқори даражада ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчиларга, меъмор ва муҳандислар, пудратчи ва ҳомий ташкилотларга, бутун Андижон аҳлига самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Сизларни бугунги ёшлик ва гўзаллик байрами билан яна бир бор табриклаб, мусобақаларда барчангизга бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ШОДИЁНАСИ

Кеча Андижон шаҳрида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақалари республика финал босқичи бошланди

Мамлакатимизда уч босқичли оммавий спорт тизимига 2000 йилда асос солинди. «Умид ниҳоллари» (умумтаълим мактаблари ўқувчилари), «Баркамол авлод» (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари) ҳамда Универсиада (олий таълим муассасалари талабалари ўртасида) мусобақалари айни вақтда юртимиз ўғил-қизларининг нафақат ақлан, балки жисмонан бақувват, соғлом ва баркамол улғайишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, ўсмирлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бизда амал қилаётган тизимига ўхшаш мукаммал узлуксиз тизим жаҳон тажрибасида ҳали кузатилмаган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси, фарзандларимизнинг дунё ёшлари билан тенгма-тенг баҳсга киришадиган, ақлан ва жисмонан етук инсонлар бўлиб улғайишлари йўлида олиб борилаётган эзгу ишларимиз самарасидир.

«Универсиада — 2010» мусобақаларининг қуйи (шаҳар ва вилоят) босқичларида мамлакатимиздаги мавжуд олий таълим муассасаларининг 160 минг нафардан зиёд талаба-ёшлари спортнинг ўн икки тури бўйича ўтказилган саралаш мусобақаларида фаол иштирок этишди. Улар орасидан саралланган 868 нафар йигит-қиз эса Андижонда ўтаётган «Универсиада — 2010» мусобақалари республика финал босқичида ўз шаҳар ва вилоятлари шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Хабарингиз бор, бундан етти йил муқаддам Андижон вилояти мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари финал босқичига мезбонлик қилганди. Бу каби нуфузли тадбиру тантаналарни ўтказишда ўзига хос тажрибага эга андижонликлар талаба-ёшларимизнинг катта спорт байрамига ҳам пухта ҳозирлик кўришди. Бугун кўркига кўрк қўшилган Андижон шаҳри кўчалари, анвойи гулларга бурканган хиёбонлари йигит-қизлар билан гавжум. Улар юзидаги табассум ва завқни кўриб дилингиз яйрайди.

4-бет »

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Келинг, мунозара қилайлик, баҳслашайлик, ўз таклифларимизни айтайлик ва бу масалани жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқайлик».

2-бет

Футзал:
Осиё чемпионати

Ўзбекистон терма жамоаси финалда!

Ярим финалда хитойликларни 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз энди бош соврин учун курашади.

Японияликларни 7:0 ҳисобида доғда қолдирган Эрон жамоаси финалда футзалчиларимиз рақиби бўлади.

ЎзХДП ҳаёти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Нукус туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг сайловолди дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган амалий ишларни кучайтириш масаласи муҳокама қилинди. Нукус туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Қонисбой Аллияров фаоллар эътиборини қатор масалаларга қаратди.

Бошланғич ташкилотлар иши самара бермаса

партиянинг таъсири, ҳаракати сезилмайди

— Туман марказида, қишлоқ ва овулларда янги иш ўринлари яратиш долзарб вазифалардан бири, — деди у. — Ҳудудимизда касаначилик ва ҳунармандчилик ривожланмоқда. Айни пайтда сабзавотчилик, боғдорчилик, полизчилик билан бир қаторда, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш ҳисобидан янги иш жойлари ташкил этиш имкониятлари оз эмас. Ушбу масалалар бўйича аниқ таклифлар билан чиқишимиз керак. Бу борада, айниқса, депутатларимиз ташаббускор бўлиши лозим.

Афсуски, депутатлик гуруҳи ўтган йилларда муҳим ижтимоий масалаларни туман Кенгаши сессияларида кун тартибига кирита олмади. Электорат муаммоларини ҳал этишда барча депутатларимиз ҳам фаоллик кўрсатмади.

Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи 26 та округнинг 15 тасидан партиямиз вакиллари депутат этиб сайланган. Мана, жорий йилнинг биринчи чораги ҳам якунланди. Аммо фаоллигимиз кутилган даражада, деб бўлмайди.

Партиянинг ғояларини, Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда бошланғич ташкилотларнинг роли жуда катта. Бошланғич партия ташкилотлари электоратни бирлаштирадиган, унинг муаммоларини чуқур ўрганиб, ечимлари бўйича аниқ таклифлар берадиган бизнинг асосий кучимиздир. Уларнинг фаол ҳаракати, фаолиятининг самараси партиянинг жамиятдаги ўрни, таъсири кучли бўлишини таъминлайди.

Айни пайтда «Бердақ — 1», «Ақманғит — 2» ва бошқа қатор бошланғич ташкилотлар ташаббускорлиги, етакчисининг фаоллиги билан ажралиб туради. Аммо айрим бошланғич ташкилотларимиз камчилик ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқариб олгани йўқ.

Электорат ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда ахборот-ресурс маркази фаолиятининг аҳамияти катта. Бор имкониятлардан тўла фойдаланиб, уни замонавий компьютерлар, нусха кўчириш ва мультимедиа техникалари билан таъминлаш, интернетда сайт яратиш, видеороликлар орқали одамлар қалбига кириб боришимиз зарур.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида умумий гаплардан амалий ишларга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келгани таъкидланган эди. Демак биз бундан тўғри хулоса чиқариб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришимиз, туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил дастурларини ишлаб чиқиб, маҳаллий Кенгаш сессияси муҳокамасиги олиб киришимиз талаб этилмоқда. Партия ташкилотимизнинг ҳар бир бўғинида ишларни жонлантирмасдан, фаоллаштирмасдан туриб, ҳеч қачон мақсадга эриша олмаймиз.

Шунингдек, сўзга чиққан «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари Гита Қалбоева, Муҳаббат Аминова, туман Кенгаши депутати Сапарбой Нурниязов, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Атамурат Даулетмуратовлар йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида батафсил сўз юритишди. Уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар билдиришди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий ҳаёт

БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ: Бозорнинг ўз ҳолича ривожланишими

ёки бошқариладиган иқтисодиётми?

Мастурахон САЙФИТДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти йил сайин кенгайиб,унинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Энди бирор ишга қўл уришдан аввал ҳужжатларни тўғри тайёрлаш, пишиқ-пухта бизнес режа тузиш ва тегишли муассасадан рўйхатдан ўтиш кифоя. Албатта, мазкур масала бўйича қонунларни ҳам яхши билиш керак. Ишни расмийлаштиргач, бемалол ўз бизнесингиз билан шуғулланишингиз мумкин, табиийки, солиқларни вақтида тўлаб, божхона тартибига риоя қилишингиз лозим...

Ҳаммаси оддий ва содда. Лекин шунга қарамай, бизнес ривожланиши йўлида кўплаб саволлар туғилмоқда. Шу боис, биз нима учун бозор рақобати эмас, айнан бошқариладиган иқтисодиёт муҳимлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга қарор қилдик. Бу масалада бошқа сиёсий партиялар, баъзи мухолифларимиз ҳам ўз нуқтаи назарига эга албатта.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари тўғрисида баҳс юритган мухолифларимиз бизни иқтисодиётнинг асосий тармоқларида давлат мулкчилигини сақлаш тарафдори, эркин иқтисодий муносабатлар, хусусий бизнес ва тадбиркорликка қарши, деб кўрсатмоқчи бўлади.

Хўш, аслида-чи?

Агар Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгандан буён қабул қилинган дастурий ҳужжатларини кўздан кечирсангиз, шунга амин бўласизки, ЎзХДП хусусий бизнесга доимо аниқ муносабатда бўлган. Партия барча мулк шакллари, жумладан, хусусий мулкчиликни ҳам ёқлаб келган.

Конституциямизга хусусий мулкчилик ҳуқуқлари ва унинг давлат томонидан муҳофаза қилинишига оид қоидалар киритилганида, партиямиз уни астойдил қўллаб-қувватлаган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлатнинг йўналтирувчи роли ҳақида сўз юритар экан, ҳеч қачон нархларни қатъий чеклаш зарурлиги, бизнес соҳаси корхоналарига қандайдир нархлар сиёсатини «зўрлаб» ўтказиш тарафдори бўлмаган. Партиянинг сайловолди дастурида ҳам биз бозорни тартибга солиш тўғрисида сўз юритганмиз. Гап солиқ, бюджет, инвестиция сиёсати, яъни ижтимоий муҳим вазифани ҳал этишга йўналтирилган корхоналарга солиқ имтиёзлари, солиқ преференциялари, турли рағбатлантирувчи омилларни бериш орқали нархларни ташкил этишни тартибга солиш ҳақида бормоқда.

Иккинчи масала. Мухолифларимиз баъзида, ЎзХДП электорати бизнес тараққиётига қизиқмаслигини айтишади. Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини билмайдиган одамгина шундай дейиши мумкин. Бугун юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Унда иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми фаолият юритади. 2010 йилда ташкил этиладиган 950 минг иш ўрнининг тенг ярмини хусусий кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳисобига яратиш кўзда тутилган. Демоқчимизки, бизнинг электоратимиз ҳам янги иш ўринлари яратилишидан манфаатдор. Шундай бўлгач, биз бизнес тараққиётини астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Бироқ бу борада бизни ўйлантираётган қатор саволлар бор.

Нима учун бизнеснинг айрим субъектлари иқтисодиётнинг ижтимоий муҳим тармоқларига етарли эътибор қаратмайди? Нима учун хусусий маблағнинг кўп қисми ишлаб чиқариш соҳасига эмас, балки савдо-воситачилик фаолиятига сарфланади?

Нима учун Президентимизнинг қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриш тўғрисидаги фармонига мувофиқ турар-жой қурилаётган ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қайта ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш борасида инвестицион фаоллик етарли даражада эмас? Нима учун аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг янги шаклларини жорий қилиш ва ривожлантиришда бизнеснинг инвестиция фаоллиги сезилмаётир? Ахир бу соҳада рақобат муҳитини яратиш жуда муҳим-ку!

Афсуски, охирги беш йил давомида ЎзЛиДеП на марказий органлари, на маҳаллий ташкилотлари, на депутатлик гуруҳлари орқали бу борада аниқ йўналтирилган, мақсадли таҳлилий ишларни амалга оширмади. Ваҳоланки, Либерал-демократик партия бозорни ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси, мини технологияларни ривожлантириш каби масалаларни ҳал этиш нуқтаи назаридан, яъни Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда ўзини фаол намоён этиши мумкин эди.

Бизда ёндашувлар турлича бўлиши табиий. Биз бизнесни ривожлантириш, бозор иқтисодиётини тартибга солиш борасида муайян даражада қатъий чоралар, мухолифларимиз эса либерал позиция тарафдори бўлиши мумкин. Шунинг учун: «Келинг, мунозара қилайлик, баҳслашайлик, ўз таклифларимизни айтайлик ва бу масалани жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқайлик». Президентимиз 27 январда мамлакат парламенти палаталари қўшма мажлисида сиёсий партияларни айнан шунга даъват этган эди. Конструктив баҳс-мунозарада ҳақиқат ойдинлашади, одамларга, жамиятга фойда келади.

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Меҳр улашиб...

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ва Нишон туман кенгашлари ташаббуси билан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Қамаши туманидаги 4-Меҳрибонлик уйида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Меҳрибонлик уйи раҳбари Шарофат Шоймардонова тарбияланувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилганини сўзлаб берди. — Айни пайтда бу ерда 58 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда, — деди у. — Болажонларга таълим-тарбия бериш, ёшларни келажакда муносиб фарзандлар этиб тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиздир.

Партия фаоли, Халқ депутатлари Нишон туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Аблаким Бейтуллаевнинг фикрича, болаларга меҳр кўрсатиш ҳар бир кишининг инсоний бурчидир.

Меҳрибонлик уйи директорининг маънавий ва маърифий ишлари бўйича ўринбосари Рўзибой Абдиев тарбиячи-мураббийлар бераётган сабоқлар асосан уларда миллий қадрият, меҳр-оқибат, ўз халқи, она Ватанига муҳаббат, буюк аждодлар меросига ҳурмат руҳини шакллантиришга қаратилганини таъкидлади. Шунингдек, у кутубхонада 7050 дан зиёд китоб мавжудлиги, «Мен севган қаҳрамон», «Эртаклар оламига сайёҳат», «Китоб — йўлчи юлдузим» каби тадбирлар ўтказиб келинаётгани ҳақида тўхталди.

Тарбияланувчиларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш ҳамда уларни муайян касб-ҳунарга йўналтириш, иқтисодий ва маданий-маърифий тарбия бериш ишларига жиддий эътибор қаратиш ўз самарасини бераяпти. Айниқса, «Ёш рассомлар», «Моҳир қўллар», «Гимнастика» тўгараклари кўпчилик болада катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Бу ерга тез-тез келиб тураман, — дейди Қамаши тумани ҳокими, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Рашид Муҳаммадиев. — Сабаби болаларга меҳр керак. Шуларни эътиборга олиб, ҳар бир тарбияланувчи билан танишганман. Уларнинг таълим-тарбия олиши, хулқи, бўш вақтини қандай ўтказаётгани билан қизиқаман. Мақсад — уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишида ёрдам беришдир.

Тадбир тарбияланувчилар томонидан тайёрланган концерт дастури билан якунланди. Меҳрибонлик уйидан қайтар эканмиз, бу масканга тез-тез келиб туришни дилимизга тугдик.

Музаффар ТУРОПОВ

Парижлик созанда юртимизда

Пойтахтимиздаги ёшлар ижод саройида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳамда Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази ҳамкорлигида парижлик ёш гитарачи Тибо Ковеннинг концерти ташкиллаштирилди.

Тибо Ковен бугунги кунда дунёдаги истеъдодли, машҳур мусиқачилардан биридир. У Нью-Йорк, Сингапур, Сан-Паулу, Истанбул, Лондон, Мельбурн сингари шаҳарларда концертлар бериб, кўплаб мухлислар эътирофига сазовор бўлди. Унинг репертуаридаги мусиқалар танқидчилар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда.

— Бордодаги санъаткорлар оиласида туғилганим учун болалигимдан куй-қўшиққа меҳрим баланд. Ўзбекистонга биринчи марта келишим ва бу юрт менда катта таассуротлар қолдирди, — дейди у. Эндигина 26 ёшни қаршилаган Ковен халқаро мусиқа фестивалларида биринчи ўринни эгаллаган. У дунёнинг энг машҳур гитарачиси дея эътироф этилади. Алессандро Скарлатти, Дитрих Букстехуде каби машҳур бастакорларнинг асарларидан намуналар киритилган концерт дастури ўзбекистонлик санъат шинавандаларида ҳам улкан таассурот қолдирди.

Тибо Ковен 29 май куни Бухорода ҳам концерт беришни мўлжаллаган.

Акбар РАСУЛОВ

Боннда экология мавзусида давра суҳбати

Бонн университети ҳузуридаги Тараққиёт тадқиқотлари марказида Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси томонидан ушбу марказ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари ва илмий жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ерда изланиш олиб бораётган ўзбекистонлик ёш тадқиқотчилар иштирок этишди.

Тадбир қатнашчиларига Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, мамлакатимизда барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Оролбўйи минтақасидаги экологик инқироз ва унинг оқибатлари, Марказий Осиёда сув танқислиги сабабли ундан фойдаланиш борасида юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган тадбирлар мулоқотнинг асосий мавзуи бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг апрель ойида Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Орол ни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувидаги ҳамда БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи чоғидаги нутқларининг асосий моҳияти, минтақада сув-энергетика иншоотларининг барпо этилиши юзасидан Ўзбекистоннинг нуқтаи назари давра суҳбати иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда сўзга чиққан Тараққиёт тадқиқотлари марказининг директори профессор Й.Браун Ўзбекистон Германия учун Марказий Осиё минтақасидаги муҳим давлат саналиши ҳамда бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаб, илмий соҳадаги мавжуд алоқалар ушбу ҳамкорликнинг муҳим бўғинларидан бири эканини қайд этди.

Й.Браун Орол денгизи сувининг умумий захираси кескин камайиб бориши натижасида минтақада юзага келган экологик инқироз оқибатларини камайтириш борасида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда илмий ёндашувлар алоҳида ўрин тутиши ҳақида сўз юритди.

— Бу йўналишда марказимиз томонидан 2002-2012 йилларга мўлжалланган «Хоразмда ер ва сувдан фойдаланишни иқтисодий ҳамда экологик реструктуризация қилиш» илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг самарали амалга оширилишини ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳукумати ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, — деди у.

Марказ директорининг ўринбосари профессор А.Герке мазкур лойиҳани муваффақиятли амалга оширишда ўзбекистонлик ёш тадқиқотчилар фаол иштирок этаётганини айтди. У лойиҳа доирасида олиб борилаётган илмий изланишларда қатнашаётган талаба ва тадқиқотчиларнинг келгусида нафақат Ўзбекистон, балки минтақа тараққиётига ҳисса қўшадиган малакали мутахассислар бўлиб етишишларига ишонч билдирди.

— Ўзбекистоннинг Оролбўйи ҳудудидаги экологик таназзул оқибатларини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракат ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз, — деди А.Герке. — Бугунги кунда глобал аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони халқаро ҳамжамиятнинг бевосита кўмаги билангина ҳал этиш мумкин.

«Хоразмда ер ва сувдан фойдаланишни иқтисодий ҳамда экологик реструктуризация қилиш» илмий-тадқиқот лойиҳасида келгусида юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммоларни бартараф эта оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар ушбу лойиҳа доирасида 101 нафар ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчи магистрлик ва номзодлик илмий ишларини ҳимоя қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан Тараққиёт тадқиқотлари марказининг илмий ходими А.Хорнидге шу йилнинг 11 март куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ер ва сув манбалари бошқарувини янада такомиллаштириш» мавзусидаги симпозиумдан олган таассуротлари ҳақида гапирди. У мазкур тадбир доирасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва соҳа мутахассислари яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишганини таъкидлади.

«Жаҳон» АА,
Берлин

Долзарб мавзу

Шу кунларда ўқувчиларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш масаласи кун тартибидаги долзарб вазифа ҳисобланади. Ёз давомида фарзандларимиз нафақат оромгоҳларда балки мактаблар қошидаги дам олиш масканларида ҳам ҳордиқ чиқарадилар.

Болаларнинг ёзги таътили

ёки мактабдаги оромгоҳлар қандай бўлиши керак?

Мактаб оромгоҳларида ўқувчилар яхши дам олишлари учун нималарга эътибор бериш керак? Куни кеча пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 116-умумтаълим мактабида ушбу долзарб масалага бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ўтказилган ушбу тадбирда пойтахтдаги мактаб оромгоҳларида фаолият кўрсатадиган ўқитувчи-педагоглар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашишди. Семинар иштирокчиларига мазкур мактабдаги оромгоҳнинг шарт-шароитлари, иш тартиби, ўқувчиларнинг дам олиши учун яратилган шарт-шароитлар, маънавий-маърифий тадбирлар режаси, иш тажрибаси ўрнак қилиб кўрсатилди.

— 7 июндан шаҳар бўйича 36 та мактаб қошида шундай ёзги оромгоҳлар фаолият бошлайди, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳумоюн Акбаров. — Бу масканларда 19800 нафар ўқувчи дам олади. 602 нафар малакали ўқитувчи-педагог гуруҳлар ва тўгаракларга раҳбарлик қилади. Мактаб қошида ёзги оромгоҳларни ташкил этишда асосан уларнинг ҳудудий жойлашуви, имкониятини ҳисобга олганмиз. Бу борада 116-умумтаълим мактаби жамоаси катта тажриба тўплаган.

— Мактабимиз қошида «Бўстон» номли оромгоҳ ташкил этилган,— дейди мактаб директори Наргиза Хонтўраева. — Ёзги таътил давомида тўрт мавсумда ишлайди. Ҳар бир мавсум 10 кун давом этиб, ўқувчилар 5 та гуруҳга бўлинади. Оромгоҳда жами 480 нафар ўқувчи дам олади.

— Фарзандимнинг мактабдаги ёзги оромгоҳда бўлиши менга кўп жиҳатдан қулайлик яратади, — дейди биз билан суҳбатда «Хуршид» маҳалласидан Гулноза Файзиева. — Дўстлари билан бирга бўлади. Оромгоҳнинг ташкилий ишлари билан ҳам яқиндан танишиб чиқдим. Тўгараклар фарзандларимиз ўртасида сўровнома ўтказиш орқали белгиланган экан. Соғломлаштириш дастури ҳам айнан мен ўйлагандек. Яратилган шарт-шароитларни кўриб, ўғлимни таътилда ўз мактабидаги оромгоҳда қолдиришни маъқул кўрдим.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Академик Александр ЛАВРИК



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Математика соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Александр Федорович Лаврик 83 ёшида вафот этди.

А.Лаврик 1927 йилда Россия Федерациясининг Кемерово вилоятида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан кейин Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши жангларда иштирок этди.

Урушдан сўнг Фарғона давлат педагогика институтини тамомлаб, Тошкент шаҳридаги 90-мактабда ўқитувчи сифатида иш бошлади. 1956 йили Ленинград давлат институти қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. 1958 йилда номзодлик, 1967 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзолигига сайланди.

А.Лаврик 1957-1967 йиллар давомида Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида кафедра мудири лавозимида хизмат қилди. Унинг кейинги қарийб ярим асрдан зиёд давом этган илмий-педагогик фаолияти Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу даргоҳда кафедра мудири сифатида иш олиб бориб, юртимизда математика фанини ривожлантириш, ёш кадрларни тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Унинг математика фанининг долзарб масалаларига бағишланган 100 га яқин илмий мақолалари, ўнлаб рисола ва тўпламлари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти мобайнида 3 нафар фан доктори ва ўндан зиёд фан номзодига илмий раҳбарлик қилди.

Академик А.Лаврикнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Александр Лаврикнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Ш.СОЛИҲОВ, М.САЛОҲИДДИНОВ

Хорижда

Япония ҳукумати кейинги йилларда мамлакатда туғилиш даражаси пасайиб кетганлиги билан боғлиқ муаммони бартараф этиш учун янги вазирлик — Оила ва бола вазирлигини ташкил этиш масаласини кўриб чиқмоқчи.

Янги вазирлик

ташкил этилади

«NHK» телекомпанияси маълумотига кўра, оилани ҳамда туғилишни қўллаб-қувватлаш, бола ўстириш ҳамда унинг тарбиясида оналарга кенг имкониятлар яратиш ва бошқа шу каби масалалар билан шуғулланиш бу вазирликнинг асосий мақсадидир.

Дарвоқе, жорий йил апрелдан бошлаб болалар 16 ёшга тўлгунга қадар нафақа пули тўланиши йўлга қўйилди. Шунингдек, юқори синфларда бепул ўқиш жорий этилади.

Форс кўрфази мамлакатлари бугунги кунда евронинг қадрсизланиши ва бу билан боғлиқ муаммолар юзага келаётганини ҳисобга олиб, ушбу ҳудудда ягона валютага ўтиш масаласини кейинга қолдирди.

Ягона валютага ўтиш

кейинга қолдирилди

Маълумки, Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар жорий йилнинг охиридан ягона валютага ўтишни мўлжаллаётган эди. Ўтган йилнинг декабрида айнан шу мақсадда имзоланган ўзаро битим ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар кучга кирган.

«Reuters» АА хабарида қайд этилишича, Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши Бахрайн, Қатар, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон ва Саудия Арабистонини ўзида бирлаштирган.

ЎзХДП: электорат манфаати

УЙДАГИ ТАЪЛИМ

имконияти чекланган боланинг келажагини белгилайди

Сайёранинг тўнғичи болалар церебрал фалажи билан туғилди. Ота-онанинг ҳам, кейин туғилган уч фарзанднинг ҳам эътибори касалманд болага — Шуҳратга қаратилди. Бу эътибор, узлуксиз даволанишлар ва якка тартибдаги таълим ўз самарасини берди.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Якка тартибдаги махсус таълим Шуҳратга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам берди.

Ҳозир Шуҳрат 22 ёшда. Қўлида ҳунари бор. Суратга олади, компьютерда фотомонтаж, фотошоп қила олади. Хусусий фотостудия очиш ниятида юрибди. Ҳатто ном ҳам танлаб қўйган.

Шуҳрат студия учун мўлжалланган хонада мени ҳам суратга олди. Бир неча дақиқа давомида компьютер ёрдамида сеҳргардек ишлади ва қўлимга принтердан чиққан фотосуратни узатди. Тасвирда мен суратга тушган хонадан асар йўқ, денгиз бўйида турар эдим, оёғимга тўлқинлар бош уряпти, узоқроқда оппоқ яхта, мовий осмон остида чарх ураётган чағалайлар кўзга ташланади.

— Ўғлим саккиз ёшида юра бошлади,— деди Сайёра. — Узлуксиз даволанишлар бесамар кетмади. Ўғлимга уйда якка тартибда таълим берилди. Давлат нафақаси фарзандимнинг соғлиғини тиклашда катта ёрдам бўлди. Якка тартибдаги таълим ундан-да муҳимроқ экан. Ўзим ўқитувчиман, ҳаётда кузатганман — имконияти чекланган болалар ўқиш, ўрганиш, билишга соғлом тенгдошларига нисбатан кўпроқ интилади.

Бундай интилиш Шуҳратжоннинг ҳам барча фанлар асосини билишида омил бўлди. Бола тўққизинчи синфни ўрта умумтаълим мактабида ўқиди. Унинг шеър ва ҳикоялари матбуотда чоп этилган, ҳозир ҳам машқ қилиб туради. Ўқитувчиси Фарида опани меҳр билан тилга олади.

— Фарида опа машғулотларга келганида шунчаки дарс бериб қолмай, қўшимча шуғулланар, боламнинг кўнглини кўтарарди. Давлат томонидан бериладиган совға, ёрдамлардан ташқари ўзи ҳам тез-тез шоколад, ўйинчоқ кўтариб келарди. Ўқувчисининг қизиқишини шу тариқа рағбатлантирарди. Балки, бошқа ўқитувчи таълим берса, ўғлим бугунги ютуқларга эришолмаган бўлармиди? — хулоса қилади Сайёра.

— Ногирон фарзандини яхши еди-риб-ичириб, кийинтириб қўйиш, соғлиғига қараш билан ўз вазифасини адо этган ҳисоблайдиган ота-оналар янглишади, — дейди Шуҳратнинг ўқитувчиси Фарида Музаффарова. — Ота-она бир умр унга ёрдам беролмайди. Шунинг учун ҳам улар имконияти чекланган боланинг хат-саводини чиқаришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйишлари керак. Боланинг имконият ва ҳоҳишларидан келиб чиққан ҳолда унга ҳунар ўргатиш мумкин. Масалан, таянч ҳаракати тизимида нуқсони бор кишилар кўпроқ ҳисобчиликка қизиқади. Этикдўз, сувоқчи, дурадгор-уста, автоулов ёки маиший техника таъмирчиси каби касблар кўникмаларини эгаллаш ногирон болаларнинг қўлидан келади. Қайси касбни танлашидан қатъи назар, бола аввало, одамлар билан муомала қила олиши, жамиятга кириши кетиши зарур. Бунинг учун эса у хат-саводга эга бўлиши керак.

Якка тартибдаги махсус таълимнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Кўп йиллик тажриба ва Республика таълим маркази методисти сифатида Фарида Музаффарова буни жуда яхши билади. У айнан ёрдамчи мактаблар ва махсус таълим масалалари билан шуғулланади.

— 2007 йилда олинган ҳисоблларга кўра, Республика миқёсида 12167 нафар уйда таълим олаётган ногирон ўқувчилардан 2901 нафари ақли заиф, 3388 нафари таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган, 408 нафари кўзи ожиз, 351 нафари эшитишда нуқсони мавжуд бўлган, 399 нафари нутқида камчилиги мавжуд ва 4253 нафари турли хил ички ва хирургик касали бор болалардан иборат, — дейди Фарида Музаффарова. — Бу рақамларни якка тартибдаги таълим қамровини, давлатимиз ғамхўрлиги миқёсини ҳис қилишингиз учун келтирдим. 2003 йил Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг якка тартибдаги таълимини ташкил этиш борасида услубий йўриқнома ишлаб чиқишган эди. Унда ташкилий ишлардан бошлаб, ўқитувчилар машғулотлар давомида эътибор бериши керак бўлган турли касалликларнинг ўзига хос жиҳатларигача кўрсатиб берилган.

Кейинги йилларда бу соҳадаги ўқувметодик адабиётлар ишлаб чиқиш ва чоп этиш кўпайди. Айниқса, болаларга уйда таълим бераётган ўқитувчиларга йўлкира учун қўшимча ҳақ белгиланиши, уларга ўриндошлик асосида, ишбай ҳақ тўлашдан тарификация бўйича ойлик маош беришга ўтилиши ишга рағбат ва таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлди.

Ногирон болаларни ўқитишнинг келажаги — инклюзив таълимда, яқин йилларда мамлакатимизда ҳам, айни кунда кўпгина ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, имкони чекланган болалар барча қатори умумий ўрта таълим мактабларида билим олади. Бунинг учун ҳозирдан пойдевор қуриляпти — педагоглар тайёрлайдиган олийгоҳларда барча мутахассисликлар ўқув режаларига дефектология курслари киритилмоқда.

Инклюзив таълимга фақат ўқитувчилар эмас, жамият ҳам тайёр бўлиши керак. Афсуски, айрим ота-оналар фарзанди ўқиётган синфда қандайдир жисмоний нуқсони бўлган боланинг ўқишига ғайри одатий ҳодисадек қарайди. Шу ота-онанинг тарбиясини олган бола тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади...

Бугунги кунда якка тартибдаги махсус таълим учун барча имкониятлар яратилган. Уйда таълим олаётган бола стол-стул, доска, ўқув қуроллари билан давлат томонидан бепул таъминланади.

Сабоқ бераётган ўқитувчи фаолияти белгиланган меъёрлар асосида назорат қилинади. Бу жараёнда у ишлаётган мактаб, туман халқ таълими бўлимлари, ҳатто ота-оналар ҳам иштирок этади. Аммо барибир асосийси, ўқитувчининг виждонига боғлиқ.

— Якка тартибдаги таълим тобора такомиллашиб, мукаммаллашиб боряпти, — дейди Фарида Музаффарова. — Чунки, вақт, замон, эҳтиёж янги-янги талаблар қўяверади.

Савоб ишнинг бошини тутган ўқитувчилардан бирининг фаолияти билан танишдик.

Хадича Ҳикматова пойтахтимиздаги 37-ёрдамчи мактабда ишлайди. Икки нафар болага уйда таълим беради. Ҳафта давомида бу болаларнинг уйларига қайта-қайта келади. Ўргатган сабоқлари боланинг ёдидан кўтарилса ҳам бошқатдан такрорлашдан эринмайди. Меҳнатларининг самарасини кўрса, машаққатлари бир зумда унутилади. Кеча ҳам шундай бўлди.

Хадича ўқувчиси Илҳомжонга бугун ўқув йилининг сўнгги куни эканини, эртадан таътил бошланишини, бутун ёз давомида янги мавсумга куч йиғиш лозимлигини таъкидлади.

— Уч ой жуда кўп. Сизни соғиниб қоламан, — деди Илҳомжон.

Хадича боладан эшитган шу бир оғиз сўзда кўп нарсани кўрди. Ақлий ривожланишда нуқсони бўлган боланинг ёзги таътиллар уч ой эканини билгани, бу нисбатан узоқ муддат эканини тушунгани ва машғулотларни ёқтириб қолгани жуда катта муваффақият...

Ёзги таътиллар фақат ўқувчилар учун мўлжалланган. Уларнинг ўқишини ташкил этишга масъул ўқув масканлари ва уларнинг мутасаддилари учун эса янги ўқув йилига тайёргарлик, ўтган даврдаги камчиликларни таҳлил қилиб, уларга барҳам беришга ҳозирлик кўриш мавсумидир.

Якка таълимдаги муаммолар ҳам оз эмас. Малака ошириш масканларида дефектолог кадрлар тайёрлашга эътибор берилаётгани билан уйда таълим олаётган барча болаларга ана шундай мутахассислар таълим беряпти, дея олмаймиз. Албатта, бу муаммо йиллар давомида ҳал бўлади. Аммо... айрим вилоятларда якка тартибдаги таълим ўрта умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар асосида олиб борилаётгани ҳақида эшитяпмиз. Махсус дарсликлар эса ўз эгаларини кутяпти. Жойлардаги халқ таълими бўлимлари мутасаддилари ўз ҳудудларидаги махсус таълимга эҳтиёжманд болаларнинг сони ва ёшининг, касаллик турининг ҳисобини олиб, тегишли дарсликларга буюртма беришга ҳафсаласизликми, эътиборсизликми қилишади. Бу эса неча-неча имконияти чекланган болаларнинг тақдирига салбий таъсир қилиши мумкин.

Келгуси ўқув йилида ҳам бу аҳволнинг такрорланмаслигига кафолат борми?

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Ўзбекистон овози» газетаси якка тартибдаги таълим борасида давлатимиз томонидан белгиланган чора-тадбирлар жойларда қандай амалга оширилаётганлигини назоратга олиб, бу борадаги ижобий ишларни, муаммоларни доимий ёритиб боради.

Банк ва мижоз

Молия муассасаси фаолияти туфайли

янги иш ўринлари кўпаймоқда

Давлат тижорат Халқ банкининг Навоий вилоят филиали томонидан мижозларга молиявий хизматлар кўрсатиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни банкнинг Навоий шаҳри ҳамда Хатирчи ва Қизилтепа туманлари филиаллари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Чунончи Хатирчи тумани филиалининг 72 нафар малакали ходими томонидан мингдан зиёд мижозга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Мижозларнинг ярми юридик шахслар, қолганлари кичик корхоналар ва деҳқон хўжаликларидир. Жорий йилнинг ўтган қарийб беш ойида мижозлар сони яна 120 нафарга кўпайди.

— Агар молиявий кўмагимиз ўз ўрнида сарфланса, бу — замонавий кичик корхона, энг ихчам линия ёки энг илғор технология, демакдир, — дейди филиал бошқарувчиси Шерзодбек Шодиев. — Боз устига янги иш ўринлари яратилиб, маҳаллий йигит-қизларнинг ишли бўлгани-чи? Банк томонидан кўрсатилган иқтисодий мадад туфайли, ўтган йили туманимизда қарийб 280 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Баркамол авлод йилининг дастлабки ойларида қарийб 250 миллион сўмлик у ёки бу кредит тури берилди. Йил охиригача ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган ўнлаб субъектларга яна 450 миллион сўмдан ортиқ кам фоизли, мижоз манфаатига мос кредитлар ажратиш ниятидамиз. Бу ҳам ўз навбатида иш билан бандликни оширишга хизмат қилиши табиий.

Дарҳақиқат филиалда Рустам Ялғашев, Абдумалик Юсупов, Тоштемир Қурбонов, Холбек Элмуродов, Моҳибону Шойимова, Элнора Тожиева, Барно Саидназарова сингари ўз касбининг фидойилари борки, бундан банк молиявий салоҳияти йил сайин яхшиланиб бормоқда. Дарвоқе ҳозирга келиб, мазкур минтақавий банкнинг айланма капитали ёки жами кредит қўйилмаси қарийб 3,5 миллиард сўмга етди. Молия муассасасида пухта, мукаммал ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб бориляпти. Аҳолининг маиший хизмат, бозорўчар, коммунал тўловларда оғирини енгил қилиш мақсадида жойларда терминаллар ўрнатилган. «Сармоя плюс», «Омад қувончи», «Умид», «Саёҳат-2», «Мўъжиза», «Мураббий», «Баҳор», «Капитал» сингари ўндан зиёд омонат турларига аҳоли томонидан жорий йилнинг ўзида 200 миллион сўмдан зиёд бўш пул маблағи қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, филиалнинг имкониятлари юқори. Буни кўпчилик чуқур ҳис этиб турибди. Масалан, Шоира Пардаева 150 миллион сўмлик кредит эвазига туман маркази Янгиработда хусусий корхона очиб, энг намунали сервис хизматини йўлга қўйди. Ҳозир, бу ерда 22 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Филиалдан роппа-роса 100 миллион сўм қисқа муддатли кредит олган Зиёдулла Қурбонов эса туманнинг Боғчакалон қишлоқ фуқаролар йиғинида «Даврон — ёнилғи сервис» кичик корхонаси қуришга муваффақ бўлди. Бу корхонада ҳам айни кезда ўнлаб маҳаллий ёшлар ишлаяпти.

Бир сўз билан айтганда, Хатирчи туманида бугунги кунда қайси бир яратувчилик, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишига асос солинаётган бўлса, бунда шубҳасиз туман Халқ банкининг ўзига хос улуши бор. Бундан кўринадики, филиалда наинки иқтисодий устуворликни таъминлаш, балки аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, одамларнинг фаровон яшаши учун кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ»:

хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда

Иқтисодиёт ва ислоҳот

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ жамоаси кейинги йилларда халқаро ва маҳаллий йўналишларни янада кенгайтириш, поездлар қатновини йўловчиларнинг талаб-эҳтиёжларига кўра кўпайтириш чораларини кўрмоқда.

Тошкент — Москва, Тошкент — Санкт-Петербург, Тошкент — Уфа, Тошкент — Саратов, Тошкент — Новосибирск, Тошкент — Свердловск, Тошкент — Харьков халқаро йўналишидаги поездлар қатнови мунтазам йўлга қўйилган бўлиб, вагонларда йўловчиларга сифатли сервис хизматлари кўрсатилмоқда.

Айниқса Москва — Тошкент — Москва йўналишида қатновчи поездда яратилган шароитлар йўловчиларга манзур бўлаётир. Мавжуд 16 та вагондаги барча кузатувчилар малакали ва тажрибали ходимлар ҳисобланади. 35 кишилик аҳил жамоа ходимлари доимо йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Улар учун энг муҳими йўловчи транспортида поезднинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш ва одамларнинг ўз манзилига эсон-омон, бешикаст етиб боришига эришишдир. Шу боис поездни йўлга тайёрлаш борасида ҳамиша муҳим чора-тадбирлар амалга оширилади. Бунда албатта электровоз машинистларининг роли беқиёс. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти буни ҳисобга олиб, локомотив паркини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Темир йўлларга янги, замонавий электровозлар келтирилмоқда. Булар эскириб қолган паровозлар, тепловозлар ўрнини эгаллайди.

— Бизнинг асосий вазифамиз йўловчиларни ўз манзилларига белгиланган муддатдан кечиктирмай эсон-омон етказиб қўйишдир, — дейди электровоз машинисти Евгений Фролов. — Машинист ёрдамчиси Ғанижон Мамиров билан йўлга отланар экан-миз, электровозни обдан кўздан кечирамиз. Носозликлар бўлса дарров механикларга хабар берамиз. Техник носозликлар бартараф этилсагина йўлга отланамиз. Аслида мен мустақилликнинг дастлабки йилларида бу соҳага келгандим. 1992 йили машинист ёрдамчиси сифатида иш бошладим. Кейинчалик, 1995 йилдан эса электровоз машинисти сифатида фаолият олиб боряпман. Ниятимиз ҳамиша йўловчиларнинг манзили яқин бўлсин.

Мана кетма-кет гудок бергандан сўнг электровоз пишқира бошлади. Демак «Ўзбекистон» халқаро поезди яна узоқ сафарга отланди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

Суратда: *Тошкент — Москва халқаро йўналиши поезди бошлиғи Тошкенбой Хўжаахмедов (ўнгда) вагон кузатувчиларидан Наталья Чугунова ва Алишер Қурбонов билан навбатдаги сафар олдидан.*

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган сурат.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ШОДИЁНАСИ

Кеча Андижон шаҳрида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақалари республика финал босқичи бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Куни кеча Андижон вилоятида бўлган Юртбошимиз бу ердаги бунёдкорлик ишларини, ёшларнинг соғлом, баркамол вояга етишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар билан танишар экан шундай деди: «Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш учун аввало фарзандларимизга муносиб шароит яратиб беришимиз керак». Демакки, ёшларимиз учун Андижонда, бутун мамлакатимизда ҳозиргидан-да кўркамроқ спорт иншоотлари бунёд этилади, шарт-шароитлар янада яхшиланади, нуфузли мусобақалар уюштирилади.

Кеча Андижон давлат университети, Олимпия захиралари спорт коллежи, Андижон давлат тиллар педагогика институти, Тиббиёт институти, Қишлоқ хўжалик институти, АДУ қошидаги 2-сонли академик лицей спорт мажмуалари, «Наврўз» ва «Соғлом авлод» стадионлари, Андижон теннис корти ҳамда шаҳардаги 30-умумтаълим мактаби спорт залларида баҳсларга старт берилди.

— Бу мамлакатимиз талабалари ҳаётидаги бешинчи «Универсиада», — дейди мусобақа бош ҳаками ўринбосари Олим Шодиев. — Андижон универсиадасининг аввалгиларидан фарқли томони, бу йилги мусобақаларнинг қуйи босқичларида сараланган терма жамоалар футбол, волейбол, баскетбол ҳамда қўл тўпи турлари бўйича бешта минтақада ўтказилган мусобақаларда ҳал қилувчи босқичда иштирок этадиганлар номини аниқлашди. Айни чоғда юқоридаги спорт турларининг ҳар бири бўйича финал босқичида бештадан жамоа ғолиблик учун майдонга тушмоқда.

28 май. Соат 19.30. Андижон шаҳридаги йигирма минг томошабинга мўлжалланган «Соғлом авлод» стадиони байрамона безатилган. Стадион «Универсиада — 2010» мусобақалари қатнашчилари, меҳмонлар ва ёшлар билан тўлиб тошган.

Ҳаяжонли лаҳзалар. Карнай-сурнай садолари янграйди. Дилларга шодлик бахш этувчи мусиқалар остида майдонга Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ҳамда



Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари вакиллари тантанали равишда таклиф этилади. Улар стадионга ўктам қадамлар билан кириб келиб, яшил майдон узра сафланади.

Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада — 2010» мусобақалари финал босқичи қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграб, Давлатимиз байроғи кўтарилади.

Мусобақалар қатнашчилари уч кун давом этадиган баҳсларни ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик ва ҳурмат фазилатлари асосида ўтказишга қасамёд қилишади.

Стадионни ёқимли жимлик чулғаб олади... Сухандон стадионга таниқли спортчи-ёшларни — сузиш бўйича Осиё кубоги совриндори Шохрух Юнусов ҳамда самбо бўйича Осиё чемпиони Дилдора Убайдуллаеваларни таклиф этади. Бу иқтидорли ёшлар 27 май куни эрталаб Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуёш ўчоғида ёқилиб, Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти махсус автокортежи ҳамроҳлигида келтирилган машъала билан универсиада тимсоли бўлган оловни аланга олдиради.

«Универсиада — 2010» мусобақаларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастурига уланиб кетади. Унда юртимизнинг таниқли санъат усталари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари ҳамда рақслари билан йиғилганларни баҳраманд қилишади.

Мусобақалар ташкилий қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, иштирокчилар жами 180 комплект медаллар шодаси учун кураш олиб боришади. Умумжамоа ҳисобида биринчи, иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллаган жамоаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совғалари — «Дамас» автомашиналари калити топширилади. Шунингдек, ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан «Энг яхши ўйинчи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг умидли спортчи», «Ғалабага бўлган иродаси учун» сингари ўнлаб номинациялар бўйича ҳам махсус қимматбаҳо совғалар таъсис этилган.

— Жуда ҳаяжондаман, — дейди футбол бўйича Жиззах вилояти терма жамоаси дарвозабони, Жиззах давлат педагогика институти талабаси Алишер Аҳмедов. — Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт тизими ҳаётимнинг ажралмас бир бўлагига айланди. Дастлаб умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 2006 йилда Қаршида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида қатнашган бўлсам, орадан бир йил ўтгач, Нукусда бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» мусобақаларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилдим. Андижонда ўтаётган «Универсиада — 2010» баҳсларида илк маротаба қатнашяпман. Мусобақага жиддий тайёргарлик кўрдик. Дастлаб вилоят босқичида ўзимизни кўрсатган бўлсак, сўнгра Самарқанд шаҳрида кечган учрашувларда мезбонлар ва Навоий вилоят вакилларини доғда қолдирдик. Ниятимиз Андижондан ғолиб бўлиб қайтишдир.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБО,
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13594 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

СПОРТ ↘ SPORT



Шоҳмат. Республика шаҳмат клубида аёллар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионати якунланди. Давравий тартибда ўтган мусобақада 11 имкониятдан 8 очко тўплаган Ольга Ким ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни Умида Чоршанбиева (7,5 очко), учинчи ўринни Юлдуз Ҳамроқулова (7 очко) эгаллади.

Футзал. Пойтахтимизда ўтказилаётган XI Осиё чемпионатининг чорак финал учрашувлари қизғин лаҳзаларга бой бўлди. Ўзбекистон — Австралия — 5:3, Таиланд — Хитой — 2:9, Япония — Қирғизистон — 4:0, Эрон — Ливан — 7:1. Кеча ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон — Хитой — 4:3, Япония — Эрон — 0:7.

Теннис. Парижда «Улкан тож» туркумига кирувчи Ролан Гаррос мусобақалари давом этмоқда. Унда ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова аёллар яккалик мусобақасида учинчи босқичга йўлланма олди. Шунингдек, у жуфтлик мусобақасида ҳам иккинчи босқичга чиқди. Эркаклар яккалик мусобақасида қатнашаётган моҳир теннисчимиз Денис Истомин ҳам биринчи босқич учрашувида ғалаба қозонди. Кеча у иккинчи босқич учрашувида австралиялик Л.Хьюнтга ютқазиб қўйди — 6:1, 3:6, 4:6, 6:2, 2:6.

Озода ХУШВАҚТОВА,
ЎзМУ талабаси

Ҳурматли истеъмолчилар!

Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширганингизда нархлар асоссиз оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳудудий бошқармалар	Ишонч телефонлари	
Қорақалпоғистон Республикаси	8(361)	222-30-11
Андижон	8(374)	222-17-01
Бухоро	8(365)	223-70-48
Жиззах	8(372)	226-10-01
Қашқадарё	8(375)	226-24-01
Сурхондарё	8(376)	223-63-25
Наманган	8(369)	233-29-56
Навоий	8(436)	226-11-74
Хоразм	8(362)	226-30-93
Фарғона	8(373)	224-08-25
Сирдарё	8(367)	225-07-30
Самарқанд	8(366)	235-88-44
Тошкент вилояти	8(371)	241-67-98
Тошкент шаҳри	8(371)	233-09-39

— Кураш — ҳаётим! — дейди Ҳақберди бобо. — Аждодларимиз ҳам узоқ йиллар шу спорт тури билан довруғ қозонган. Уларнинг ишини давом эттириш, ёш полвонларни тарбиялаш ниятида ХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов билан маслаҳатлашиб, кенгаш қошида кураш клуби ташкил қилдик.

Спортимиз фидойилари

Полвон бобо

76 ёшида жаҳон чемпиони бўлган Ҳақберди Норбоевнинг хайрли ишлари ҳақида

Дастлаб бир неча бола билан машғулот ўтказилган бўлса, сўнгра қизиқувчилар сони орта бошлади. Улар орасида қизларимиз ҳам бор. Ўтган йиллар давомида клубимиздан йигирмадан ортиқ вилоят ва республика чемпионлари етишиб чиқди.

Дарҳақиқат, жарқўрғонлик бу олижаноб инсон ўзбек миллий кураши ривожланиши, оммалашишида фидойилик кўрсатиб, келмоқда. Курашни тарғиб қилиш мақсадида Саудия Арабистони, Туркия, Украина, Грузия, Арманистон, Россия, Миср давлатларида бўлди.

2001 йилнинг ёзида Венгрияда 3-жаҳон чемпионати ўтказилди. Фахрийлар ўртасидаги мусобақада 76 ёшли Ҳақберди Норбоев 1-ўринни қўлга киритди. Эҳ-ҳе, у кураш майдонида қанча ғолиб бўлмади. Соқоллари қордек оппоқ нуронийнинг кўксини безаб турган олтин, кумуш ва бошқа кўплаб медаллар шодаси ҳар бир ёшда ҳавас уйғотади.

Айни кунларда 85 ёшли Ҳақберди бобо раҳбарлик қилаётган кураш клубида 100 нафардан ортиқ йигит-қиз шуғулланмоқда. Улар орасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ҳам бор. 2004 йилдан бошлаб эса теннис тўгарагига асос солинди. Бундан ташқари, Ҳақберди бобонинг ташаббуси билан бадиий гимнастика тўгараги ҳам ташкил этилди. Бу тўгаракка эллик нафарга яқин қишлоқ қизлари қатнашишяпти. Шунингдек, клуб тумандаги кураш мусобақаларини ташкил этишда ва уларнинг ғолибларини тақдирлашда ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти.

— Клуб ёшлар учун ҳақиқий маънода камолот мактаби бўлди, — дейди кураш бўйича республика чемпиони Саломат Муҳаммадиева. — Мен ҳам шу ерда кураш сирларини ўрганганман. Ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Спорт соғлиқ, баркамоллик гаровидир. Спорт киши дилидаги ғуборни аритади, кибру ҳаво, манманликдан асрайди. Соғлом авлод воягa етишида муҳим ўрин тутади. Барча устозларимдан миннатдорман!

Ватан остонадан бошланади. Уни жаҳонга танитишда эса ҳар биримиз масъулмиз. Партиямиз фаоли Ҳақберди Норбоев ҳам ана шундай фидойилардан биридир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби»га киритилган полвон бобонинг орзулари ҳали осмон қадар юксак!..



Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Пеледан дастхат олган Жуманов

Футбол ишқибози

Афсонавий Пеле профессионал футболдаги 22 йиллик фаолияти давомида 1363 та ўйинда иштирок этиб, рақиблар дарвозасига 1281 марта тўп йўллаган.

Бир ўйинда Пеле тўқсон марта учтадан, ўттиз марта тўрттадан, тўрт марта бештадан, бир марта (1964 йили Рибейран-Прету шаҳрининг «Ботафого» жамоаси дарвозасига) саккизта тўп киритган. Пеле майдонда тез югурар, баланд сакрар, чап оёқда ҳам, ўнг оёқда ҳам дарвозага тўп киритаверар эди. Унинг «Мен Пеле» деб номланган китобини ўқиш учун тил ўрганганлар ҳам бўлган.

Футбол қиролининг миллионлаб мухлислари орасида нафақадаги маданият ходими Матғози Жуманов ҳам бор. У 1965 йили Москвада ҳарбий хизмат ўтаётган эди. Бир куни Жумановни рота командири чақирди.

— Сенга бир масъулиятли вазифа топшираман. КВНда иштирок этасан. Бажарадиган вазифанг талабалар жамоасининг бир аъзоси бўлиб, уларнинг сафида турасан, — деди.

Командирнинг гапига даставвал Жуманов кўп ҳам ишонмади. Бироқ КВН ходими билан Останкинога бориш чоғида масаланинг моҳиятини тушунди. Навбатдаги КВН мусобақасида Москва авиация ва Москва станоксозлик институтларининг талабалари беллашар экан. Авиация институти жамоасининг байналмилал бўлиши учун худди Жуманов сингари йигит керак бўлибди. Уни институт жамоаси хушнудлик билан қабул қилди.



Томоша бошланди. Рақиб жамоа авиация институти жамоасига шундай савол берди: «Футбол қироли бўлган Пеленинг ҳақиқий исми ва фамилиясини айтиб беринг».

Бўлажак авиасозлар ғуж бўлиб тўпланишиб, муҳокамани бошлаб юборди. Бироқ бирортасидан тайинли фикр чиқмади.

— Шу саволга мен жавоб берай, — деди Жуманов.

Жамоадошлари аввал унга ишонқирамай қарашди, аммо бошқа имкони йўқлигини билган жамоа сардори:

— Саволингизга жамоамизнинг ўзбекистонлик вакили Матғози Жуманов жавоб беради, — деб эълон қилди.

Жуманов микрофонни қўлига олиб, дадил жавоб қайтарди:

— Футбол қиролининг асли исми ва фамилияси — Эдсон Арантес ду Насименту! У 1940 йил 23 октябрда Бразилиянинг Минас Жерайс штатида туғилган!

Бўлди қарсак, бўлди олқиш.

— Футболнинг ашаддий ишқибозиман, — дейди Матғози ака ўша кунларни эслаб. — 1965 йили Москванинг «Лужники» стадионида Бразилия терма жамоаси ўртоқлик учрашувида ўйнади. Биз аскарларни биринчи қаторга ўтқазишди. Мен чиқиш йўлагига яқинроқ эдим. Ўйин тугагандан кейин чиқиб кетаётган Пеледан дастхат олдим. Футбол қиролининг дастхати бор ён дафтарни ҳозиргача авайлаб сақлаб келаяпман.

Ортиқ СУЛТОНОВ

Ҳикматлар сандиғидан

Элнинг ғами — эрнинг ғами

♦ Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан.

♦ Эл тилаги қўл бўлар, самараси мўл бўлар.

♦ Элдан айрилгунча, жондан айрил.

♦ Элнинг бахти — эрнинг бахти.

♦ Эр давлати — элида.

♦ Ердан айрилсанг ҳам, элдан айрилма.

♦ Эл ишини эр қилур, эр қадрини эл билур.

Тўпловчи:
Юнус ЗИЁДОВ

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши халқ депутатлари Тошкент туман Кенгаши депутати, партия фаоли Султонбек Ҳамидовга рафиқаси **Зарина ҲАМИДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.